УзССР Давлат китоб палатаси
ЙИЗ. ... Уз ССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 138 (8. 336) ◆ 1993 йил 4 август, чоршанба Сотувда эркин нархда

** Қурувчилар куни олдидан*

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

БИЗ бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган трестнинг ўз касбига фидойи бўлган кишилари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди! Бинобарин уларнинг шу кунларда пойтахтимизда олиб бораётган ишлари шу даражада кўпки бу ишларнинг ҳаммасига таъмирловчилар қандай қилиб улгуришаётганлигини билмай қоласан киши.

Гап қайси иншоот ҳақида кетаётганлигини айта қолайлик энди. Таъмирловчилар шаҳримиз марказида вақтни кўрсатувчи бонг урадиган соат ўрнатилган минора биносини бутунлай ўзгача қиёфага келтириш устида ишламоқдалар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги байрам қилинадиган кезларда бу минора ўзининг қарийб дастлабки кўринишига эга бўлади. Унинг юқори қисмидаги бири-биридан ажралиб турадиган бўёқлар минорага ўзгача чирой бағишлайди. Ҳозир эса бу ерда иш қизғин. Баландликда ишлашнинг ўзи бўлмайди ахир. Унга ўз ишининг усталари бўлган кишилар, ҳатто альпинистлар ҳам жалб этилганлар...

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Тоштаъмирқурилиш» тресты бўлинмаларининг шаҳримизда амалга ошираётган ишлар кўлами чиндан ҳам салмоқлидир. Турар жой ва маъмурий бинолар дейсизми, мактаблар ва болалар боғчалари дейсизми, шифохоналар дейсизми, хуллас бир сўз билан айтганда ҳар томонлама таъмирлаш ишларига муҳтож бўлган биноларни ана шу трестга қарашли бўлинмаларнинг қўли гул қурувчиларига ишониб топширишади.

Биз трест бошқарувчиси Жўра ака Мақсудов билан суҳбатлашдик. У жамоанинг шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида бажарган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

— Йил бошидан бери, — дейди трест бошқарувчиси, — бир миллиард сўм ҳажмдаги таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Биз ижтимоий-маданий, маиший ҳамда уй-жой иншоотларини таъмирлаш бўйича топшириқларни тез ва соз бажаришга одатланганмиз. Бундай юмушларни бажаришни жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўзининг фахрли бурчи, деб билади. Ана шу боисдан ҳам ишдаги кўрсаткичларимиз тобора ошиб бормоқда. Яна бир гапни сизга айтай. Жамоамиз ўзининг ўттиз йиллик тўйини нишонлаш бўсағасида турибди. Уни Қурувчилар куни арафасида байрам қиламиз.

Ҳа, жамоа ташкил топгандан буён ўтган ана шу ўттиз йил мобайнида амалга оширган ишларни санаб саноғига етиш қийин албатта. Ушбу трест дастлаб шаҳримизнинг бешта туманидаги мавжуд бешта таъмирлаш-қурилиш бошқармаси негизида ташкил этилган эди. Эндиликда, трестнинг ўн битта бўлинмаси мавжуд, трест ўзининг бетон ҳамда турли-туман бўёқлар ишлаб чиқарадиган мўъжазгина заводига, автосаройига эга. Бундан ташқари, таъмирлашга керак бўладиган бошқа хом ашёларни ҳам ўзи ишлаб чиқармоқда. Бу нарса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида трестнинг эришаётган ютуқларида муҳим омил бўлмоқда.

— Дарҳақиқат, — дея яна суҳбатга қўшилади ҳамроҳимиз Жўра ака Мақсудов, — бозор иқтисодиёти трест жамоаси ҳаётига ҳам туб ўзгаришларни киритмоқда. Биз ишлаб топилган пулларни қаерга сарфлашни ўзимиз ҳал қиламиз. Иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, ижтимоий эҳтиёжлар дегандек. Аввалгилардек бизни юқоридан белгиланган режалар ҳам қийин аҳволга солмайди. Биз эртанги кунга ишонч билан боқиб масъулиятни оширган ҳолда ҳар бир иш жойида ишлашга одатланганмиз. Бугунги кунда ҳар бир ишчи ўзининг иш натижаларидан маиший шароитлари яхшиланиши, кўпгина ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал қилинишини чуқур англаб етган.



Дарҳақиқат, трестда жамоанинг доимо унумли ва соз ишлаши борасида кўпгина ибратли ишлар қилинмоқда. Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида ва Чилонзор даҳасининг 31-мавзесида 40 ҳамда 180 хонадонга мўлжалланган иккита турар жой биноси қурилди. Яна ўн киши имтиёзли равишда якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари олди. Бу йил яна 120 оилага ер участкалари берилади. Ишчиларга тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида суғурта ташкилоти билан шартнома имзоланган. Трест бўлинмаларининг ишчилари ўзларининг бўш вақтларини ва ёзги таътил дамларини баҳаво Хумсоннинг Угом дам олиш масканида оила аъзолари билан мароқли ўтказадилар. Улар учун йўлланмалар ҳам текинга берилади. Ана шу ғамхўрликлар сирасига яна ишчиларнинг овқатланиши учун берилаётган пуллар, бир вақтда тўланаётган нафақалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун кўрсатилаётган ёрдамни ҳам қўшадиган бўлсак таъмирловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кўзга янада яққолроқ ташланади.

Қўш байрам — ўз жамоаларининг ўттиз йиллиги ва яқинлашиб келаётган Қурувчилар куни арафасида «Тоштаъмирқурилиш» трестининг ишда ўзини кўрсатаётган энг яхши ишчилари фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари билан тақдирландилар. «Меҳнат қилган — элда азиз» деганларидек, ушбу трестда чин дилдан, фидойилик кўрсатиб ишлаётган ҳар бир ишчининг меҳнати ўз қадрини топмоқда. Ана шунда эса ҳикмат катта!

Саид БОТИРОВ.

* * *



СУРАТЛАРДА: трестнинг фидойи ишчиларидан Ботир Исроилов (юқорида чапда) ва Александр Ермолов (ўнгда); трест тасарруфидаги заводдан таъмирлашга керакли хом ашёлар пешма-пеш етказиб берилмоқда (пастда чапдаги сурат); таъмирловчиларнинг олтин қўллари билан олдинги ҳолига келтирилаётган шаҳримиз марказидаги соат минораси (ўнгда).

Виктор Багаев суратлари.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Навоий ва Хоразм вилоятлари фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг шу йил 27 июлда бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Кеча Тошкентдаги Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш институти билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ «Таълимни режалаштириш, инсоннинг имкониятлари ва аҳолининг бандлиги» мавзуига бағишланган халқаро илмий анжуман ўз ишини бошлади. Анжуман шу йилнинг 14 августига қадар давом этади.

● Темур Давомат бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси халқ вакиллари Умумхитой мажлиси делегацияси кеча Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида ўзбек-хитой жамияти фаоллари билан учрашди.

● Кеча Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари делегацияси Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкида қабул қилиндилар.

● 1993—1994 йиллар ва 2000 йилгача бўлган даврда Ўрта Осиё темир йўлини электрлаштиришнинг бош дастури ишлаб чиқилди. Ана шу дастур шарофати билан темир йўлларни электрлаштириш, иккинчи йўлларни қуриш поездлар қатнов вазнини 1,5 баробар ошириб, йилига 200 минг тоннадан ортиқ дизель ёнилғисини тежаш имконияти туғилади.

● Наманган вилоятида давлатимиз мустақиллигининг икки йиллиги байрами шарафига ҳашар ўтказиладиган бўлди. 14 августга мўлжалланаётган бу умумхалқ меҳнат байрамида кўчалар, боғлар, хиёбонлар, маҳалла ва қишлоқлар ободонлаштирилади, саноат корхоналарида меҳнат авжига чиқади. Ҳашардан тушадиган маблағнинг асосий қисми ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга, қолгани эса муҳтож оилаларга ёрдам тариқасида сарфланади.

● Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳомий ташкилотлар билан биргаликда васийлар қўлида тарбияланаётган 170 етим номига 2000 сўмдан ҳисоб дафтарчаси очиб эгаларига топширди. Болалар уйида тарбияланаётган етим болаларга ҳам минг сўмдан пул ўтказилган шундай ҳисоб дафтарчалари тақдим этилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Қозоғистон Президентининг матбуот хизматидан хабар қилишларича эртага кечқурун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Россия Президенти Борис Ельцин билан музокаралар олиб бориш учун Москвага боради. Қозоғистоннинг Россия рубль зонасида бўлиши истиқболлари, шунингдек Ислом Каримовнинг Алматига ташрифи чоғида Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарлари учрашуви тўғрисидаги биргаликдаги ташаббуслари учрашув мавзуси бўлади деб кутилмоқда.

● Боку ва Ереван 3 августда муддати тугайдиган ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни узайтириш хусусида келишиб олдилар.

● Латвия суди томонидан тўрт йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган собиқ ригалик омончи С. Парфенов кеча Борис Ельциннинг фармонига кўра афв этилди.

● Сухумидаги грузин қўшинлари гарнизонининг бошлиғи генерал-майор Гено Адамия бир ой муддат ичида Сухуми аэропортидан махсус рейслар бўйича учадиган самолётлардан ташқари пассажир самолётлари қатновини тақиқлаш тўғрисида буйруқ берди. Кўрсатилган шу муддат мобайнида ҳарбий хизматчиларнинг ҳамма таътиллари ҳам бекор қилинди.

● Қирғизистон Республикасида уруш ногиронлари учун бензин сотиб олишдаги барча имтиёзли нархлар бекор қилинди. Маъмурлар бундай қарор вақтинчалик эканлигини, дотация учун маблағлар топилиши биланоқ бу имтиёзлар яна қайта тикланишини эълон қилдилар. Бугунги кунда республикада бир литр бензин бир ярим сомни — уч юз рублга яқинини ташкил этмоқда.

● АҚШ долларининг биржадаги қиймати ўзгармай турибди. Москва банклараро валюта савдосида кеча у 987 рублни ташкил этди.

● Екатеринбургда Николай II хотираси ва Романовлар уйининг 380 йиллигига бағишлаб олтин медаллар тайёрланди. 38 ва 48 грамм тилладан ясалган 102 та танга шаҳар дўконларига яқин кунлар ичида чиқарилади. Тахмин қилишларича уларнинг нархи 1 миллион сўмдан зиёдни ташкил этади.

● Молдова бош вазири Андрей Сангели кеча парламентни республиканинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кириши тўғрисидаги битимни ратификация қилишга даъват этди.

ХОРИЖДА

● Япония савдо фирмаси ва Хитой давлат нефть-газ корпорацияси Ўзбекистонда нефтни қайта ишлайдиган комбинатни қуриш режасида эканлигини билдирди.

● Хитой, Россия ва АҚШ фирмалари 66 Америка телекоммуникация йўлдошларини учириш бўйича шартнома имзоладилар.

● АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Қуддусда Исроил ҳукуматининг бошлиғи Ицхак Рабин билан учрашди. АҚШ давлат котиби Америка маъмуриятининг минтақада тинчлик жараёни ўрнатишга тайёрлигини айтиб қабул қилинадиган қарорлар учун масъулият араблар ва исроилликлар зиммасида эканлигини таъкидлади.

● Афғонистон ташқи ишлар вазири Тожикистон ҳукумати билан тожик мухолифати ўртасида музокаралар олиб бориш зарурлигини билдирди.

● Япониянинг Хоккайдо оролида ер силкинишлари давом этмоқда. Бундан кўрилган зарар 68 миллиард иендан ҳам ошиб кетди. Бу 600 миллион Америка доллари деган сўздир.

● Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатига қарашли Махбубнагар шаҳри яқинида юз берган автомобиль ҳалокати оқибатида ўттиз етти киши ҳалок бўлди. Автобус аниқланмаган сабабларга кўра йўлдан чиқиб кетган ва Кришна дарёсига чўкиб кетган. Ҳеч кимни қутқаришнинг иложи бўлмаган.

● Япония суди владивостоклик денгизчи А. Обухов қурол билан савдо-сотиқ қилганлиги учун уни икки йиллик қамоқ ишларига ҳукм этди.

● АҚШнинг Аляска штатидаги кам сонли аҳоли пунктида ўртача балли ер силкиниши бўлди. Маҳаллий сейсмологларнинг маълумотларига кўра зилзила Рихтер ўлчови бўйича 4,8 баллни ташкил этган.

---

6 АВГУСТДА Жанубий Кореянинг Тайжон шаҳрида «ЭКСПО—93» халқаро кўргазмаси очилади. Унда иштирок этиш истагини билдирган жаҳоннинг 120 давлати, 20 та халқаро ташкилотлар Халқаро кўргазмалар бюроси томонидан расмий равишда рўйхатдан ўтказилди.

** Воқеа арафасида*

ЎЗБЕКИСТОН «ЭКСПО—93» КЎРГАЗМАСИДА

Инсоният учинчи минг йиллик, қолаверса, йигирма биринчи асрнинг ўзидан кўп нарсалар кутаётир. Лекин келгуси юз йилликнинг ўзи ҳам қатор муаммоларни ижобий ҳал этмоғи лозим. Шулардан энг асосийси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммосидир. Шунинг учун ҳам 93 кун давом этадиган кўргазма ташкилотчилари долзарб мавзу сифатида диққат-эътиборни «Ривожланишнинг янги йўли» ва «Ривожланаётган дунё учун анъанавий, замонавий фан ва технология», «Жаҳон ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш»га қаратмоқдалар.

Тайжон шаҳрининг Тайдон фан марказидаги 902 минг квадрат метрли кўргазмалар майдонида ўтажак мазкур нуфузли тадбирда илк бор Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида иштирок этади. Унинг ихтиёрига берилган ҳудудга ташриф буюрганлар нигоҳи аввало ҳур ўлкамизнинг давлат байроғи, гербига тушади. Шунингдек, улар республикамизнинг 160 дан ортиқ мамлакат томонидан тан олингани, 60 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатгани, 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, шунингдек Умумевропа ҳамжамиятига аъзо бўлгани, етук халқаро ташкилотлар билан биргаликда фаол ташқи сиёсат олиб бораётганлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имконига эга бўладилар.

Бундан ташқари кўргазмада машҳур пахта териш машиналаримиз, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳаво кемалари, қишлоқ хўжалиги — пилла, пахта етиштириш, мева-сабзавотчилик соҳасидаги юксалишлар, республикамизнинг халқ таълими соҳасидаги муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи манбалар, ярим асрлик тўйини нишонлаётган Фанлар академияси олимларининг кашфиётлари намойишига ҳам кенг ўрин берилган.

Юртимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ диққатини тортувчи гиламлар, палослар, чинни-ю биллурлар, «Усто» фирмаси усталари томонидан ишланган ёдгорлик буюмлари кўргазма меҳмонларининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Уйлаймизки, ушбу оламшумул аҳамиятга молик кўргазма Ўзбекистон диёрининг шуҳратини янада юксакларга кўтаргай.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
«Узэкспомарказ» ахборот-ташвиқот бўлими бошлиғи.

** Долзарб мавзу*

Бўлажак обуна қандай ўтади?

● «Ўзбекистон почтаси» республика концерни бошлиғининг ўринбосари Саидмаҳмуд Акбаров журналистлар билан учрашиб, икки масала хусусида — концернинг молиявий аҳволи ва бўлажак обуна мавсуми ҳақида гапириб берди.

Саидмаҳмуд Акбаровнинг сўзларига қараганда, бу галги обуна мавсуми аввалгиларидан фарқ қилади. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, республиканинг бир қатор газета ва журналлари ўзларининг молиявий имкониятларини аниқламасдан туриб ҳамда ҳомийларга ортиқча ишониб юбориб обуначилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмай қолдилар. Натижада алоқа корхоналари обуначиларга ўз ҳамёнидан пулларни қайтариб беришга мажбур бўлди. Ана шундай нашрлар сирасига «Новости экрана — Экран янгиликлари», рус тилида чиқадиган «Кино» ва «Ширинтой» журналлари киради. Бинобарин «Ширинтой» журналининг бор-йўғи битта сони чиқди, холос.

Иккинчидан, республика матбуот тарқатиш маркази у ёки бу нашрни тарқатишдан бўйин товлашга ҳақли эмас. Бироқ у таҳририятларга мўлжаллаётган ўз имкониятлари, тиражини жиддий тарзда ҳисоблаб чиқишни таклиф этмоқда.

— Қўшимча қиймат солиғи биз учун жиддий муаммо бўлиб қолди, — дейди С. Акбаров. — Чунки бу солиқ ҳар бир жараёндан — нашрларни келтириш, етказиб бериш, тарқатишдан олинади. Биз эса бу йил учун қўшимча қиймат солиғини олишни кўзда тутмаган эдик. Республика матбуот тарқатиш маркази эндиликда табиийки, бу нарсани ҳисобга олди. Шу йилнинг иккинчи ярми учун нашрлар қийматига қўшимча солиқ қиймати ҳам қўшилди. Лекин иккинчи ярим йилликка обуна бўлганлар сони кўп эмаслиги маълум.

Янги обуна мавсумининг бошланиши биринчи сентябрга режалаштирилмоқда. У икки ой давом этади. 25 ноябрда шу хусусдаги ҳамма маълумотлар қўлимизда бўлмоғи керак.

Россия газеталарининг нашри ва уни тарқатиш хусусида С. Акбаров ушбуларни таъкидлади: республикада чоп этилаётган нашрлар умумий ҳажмининг 12,2 фоизини Россия газеталари ва журналлари ташкил этади. Бу умумий чакана тиражи ҳажмининг 8—9 фоизга яқинини ташкил этади. Обуначиларга нашрларнинг ўз вақтида келмаслиги ва умуман келмаганлигининг бош сабаби алмаштирув жойининг ўзгартирилганлигидадир. Эндиликда Россиянинг кўпгина нашрлари Оренбурггача олиб келинади, у ерда сараланади ва шундан кейингина темир йўл орқали Тошкент шаҳрига келтирилади. Бу ердан эса республика шаҳарларига жўнатилади. Бугунги кунда бундай нашрлар элликдан зиёдроқни ташкил этади.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг алоқа корхоналари Россия нашрлари олдида қарздор бўлиб қолмоқда. Бироқ бу «Ўзбекистон почтаси» ўз қарзларини узишни ўйламаётир деган маънони асло англатмайди. Пуллар ўтган йилнинг ноябрь ойидаёқ юборилган эди, лекин шу йилнинг апрелида бу пуллар белгиланган манзилга бормай, қайтиб кела бошлади. Тошкент шаҳрида Россия газеталари босилишини давом эттириш чоралари кўрилмоқда. «Правда», «Комсомольская правда» газеталарини эндиликда фақат чакана савдодан сотиб олиш мумкин. «Советский спорт», «Аргументи и факти», «Рабочая трибуна» ва «Труд» газеталарига обуна ҳам бўлиш, уни чакана савдодан сотиб олиш ҳам мумкин.

Республика матбуот тарқатиш маркази билан Россиядаги нашрлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар республика матбуот тарқатиш маркази билан қўшни Марказий Осиё республикалари нашрлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ўхшаб кетади. Яъни бизнинг республика матбуот тарқатиш маркази ўз навбатида пулларни бу қўшни давлатлардан ололмаяпти. Бундай ҳол алоқа корхоналарининг бир меъёрда ишлашига тўсқинлик қилаётир, деб таъкидлади С. Акбаров. Фақатгина обуначиларнинг манфаатларини ўйлаб, бу аҳволдан чиқиш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Собир ЕДГОРОВ.

◎ «Оқшом» газетасининг ушбу сони чоп этилаётган пайтда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернидан шундай мактуб келди:

«Пулнинг қадрсизланиши давом этаётганлиги, матбаа ишларига ва алоқа хизмати кўрсатишнинг ҳамма турларига нарх-навонинг ошиши муносабати билан вақтли нашрларни тарқатишга кетадиган маблағлар ҳам ошди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг турли вилоятларида нашрларни тарқатиш ва уни элтишга кетадиган сарф-харажатлар турлича бўлмоқда. Ана шу боисдан бозор иқтисодиёти шароитларида барча нашрларни тарқатиш учун ягона ҳақ белгиланиши таҳририятлар учун ҳам, алоқа корхоналари учун ҳам фойдали эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда 1993 йилнинг август ойидан бошлаб вақтли нашрларни эркин нархларда сотиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Чакана нархлар алоқа корхоналари томонидан жойларнинг ўзида нашриёт сарф-харажатлари, экспедиция, жўнатиш ва воситачилик, вилоят ичида тарқатиш ва уни элтишга кетадиган амалдаги сарф-харажатлардан келиб чиқадиган нархлар асосида шакллантирилади».

** Фармон ва ижро*

КУНДАЛИК ЭЪТИБОРИМИЗДА

Мухбиримиз Чилонзор тумани ҳокими Анвар Маҳмудович АЛИЕВ билан суҳбатлашди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар маҳкамаси қарорлари қандай бажарилаётгани хусусида гап борди.

— Чилонзор тумани ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар маҳкамаси қарорларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор бермоқда, — дейди туман ҳокими. — 1993 йил 16 февралдаги фармойишга мувофиқ туман назорат гуруҳи, шунингдек, ҳоким ўринбосарлари бошқарадиган тармоқ назорат гуруҳлари тузилган. Ушбу фармойиш бўйича ҳокимлик бўлинмаларида, туман корхона ва ташкилотларида Президент Фармонларини бажариш ва назорат қилишга доир тегишли ташкилий ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида ҳозирги вақтгача ҳокимликнинг барча бўлим ва бошқармаларида, туман корхона ва ташкилотларида фармонлар ижроси гуруҳлари тузилган. Уларнинг кўпчилигида фармонлар мазмуни ва бажарилиши ёритиладиган махсус стендлар ҳам ўрнатилган. Туман назорат гуруҳи мажлисларида фармонлар бажарилишини ташкил этишга доир қарорлар қабул қилинади, мунтазам равишда корхоналар ва бўлимлар ҳисоботлари эшитилади.

— Анвар Маҳмудович, фармонлар бажарилишига оид қайси тадбирларни қайд қилиб ўтиш мумкин?

— Биз Президентимизнинг ҳар бир Фармонлари бажарилишини таҳлил этиб, назорат қилиб борамиз. Масалан, Республика Президентининг 1990 йил 7 майдаги «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилал жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармонига асосан уруш қатнашчиларига улар яшаб турган 2196 квартира шахсий мулк қилиб топширилди. Улар квартира учун ҳақ тўлашдан озод этилган, коммунал хизмат ҳақини тўлашда имтиёзлар ҳам берилди. 1990 йил давомида навбатда турган 13 уруш ногиронлари ва 5 ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласининг ҳаммаси ўз уй шароитларини яхшилаб олдилар. 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган 21 уруш қатнашчисидан 19 таси квартира билан таъминланди.

1991 йил 1 январигача ҳисобга олинган 25 уруш ногиронидан 24 тасининг уй-жой шароити яхшиланди. Умуман, ҳозирги вақтда уй-жой шароитини яхшилаш навбатида 26 уруш ногирони, 15 ҳалок бўлганлар оиласи ва 26 уруш қатнашчиси турибди. Уларга уй-жой ажратиш масаласи янги квартиралар қурилиши ва эски уй фонди бўшаши билан ҳал этиляпти. Уй-жой шароитини ўз вақтида яхшиланмаслигининг асосий сабабларидан бири туман турар жой фондида кўп хонали квартираларнинг йўқлигидир.

— Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини телефонлар билан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилмоқда?

— 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган уруш қатнашчилари, байналмилал жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари хонадонларига телефон ўтказиш бўйича 46 кишидан 40 таси телефон билан таъминланган. Қолган 6 уруш қатнашчисининг телефон ўтказиш ҳақидаги аризаси (Турсунхўжаев кўчасида истиқомат қилувчилар) техник имкониятлар йўқлиги сабабли ҳозирча қониқтирилмаган. Бу масала йил охиригача 79-АТС ишга туширилганидан сўнг ҳал этилади. 1993 йил 1 июнигача 139 уруш қатнашчилари ва ҳалок бўлганлар оилаларининг телефон ўрнатиш ҳақидаги аризалар қониқтирилмаганига сабаб, улар асосан, 17-20 мавзеларда, Дўмбробод, Наққошлик кўчаларида, Ҳарбийлар шаҳарчасида, «Алгоритм» мавзесида истиқомат қилувчилардир. Ҳозирги пайтда туман ҳудудида жами 30 минг рақамга мўлжалланган учта АТС қурилиши тугатиляпти. Бу станциялар ишга тушгандан кейин телефон ўтказиш масалалари тўлиқ ҳал этилади. Президент Фармонида кўрсатилган бу шахсларни телефон билан таъминлаш ҳокимликнинг тегишли бўлимлари ва шахсан ўз назоратимда турибди.

— Президентнинг «Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши муносабати билан умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига умумий овқатланиш бўйича имтиёзлар берилиши хусусида»ги Фармонига ҳам алоҳида эътибор берилаётган бўлса керак?

— Албатта. Ўтган йилнинг ноябрь ойида 16,5 минг бошланғич синф ўқувчиларига хизмат кўрсатаётган 32 та мактаб ошхоналарининг ҳаммаси текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликлар учун ҳам умумий овқатланиш бўлимлари ходимларига ҳамда мактаб раҳбарларига маъмурий жазо берилди, 1992—93 ўқув йилида мактабларда имтиёзли овқатланишни ташкил этишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Яқинда ўқув йилининг охирларида тегишли идоралар томонидан умумий овқатланиш корхоналари фаолияти қайта текшириб чиқилди. Ҳозир халқ таълими ва умумий овқатланиш бўлимларининг раҳбарлари олдига барча мактаб ошхоналарини янги ўқув йилига тайёрлаш вазифаси қўйилган.

— Тумандаги ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш борасида нималар дея оласиз?

— Ёлғиз нафақахўрларга имтиёзлар беришнинг белгиланган тартибига кўра ҳар бир ариза ҳайъат мажлисида кўриб чиқилади. Ҳозирги пайтда 195 киши ҳисобга олинган. Фармонга асосан улар квартира ҳақи ва коммунал хизматлар ҳақидан озод этилган, ҳар ойда 550 сўмлик миқдорда (нархлар оширилгунгача) меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини бепул оладилар, жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари ҳокимлик пул маблағлари, корхона ва ташкилотлар кўнгилли хайр-эҳсонлари ҳисобига туман ижтимоий ёрдам жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма маблағлари муҳтожларга, оғир беморларга, табиий офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам беришга сарфланади. Ижтимоий таъминот бўлими қошида 35 ходимдан иборат ижтимоий ёрдам бўлинмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улар ёлғиз нафақахўрларга бириктирилиб, уй-жойларини тозалашда, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб келишда доимо кўмак берадилар.

— Анвар Маҳмудович, эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қандай тадбирлар кўрилмоқда? Шулар ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

— Туман аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминланишида ҳам алоҳида назорат ўрнатилган, бунинг учун маҳалла комитетлари аъзолари, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари кенг жалб этилмоқда. Туман аҳолиси сонининг ўзгариши ҳақида маълумотлар компьютерга киритилган ва паспортлар бўлими ҳамда фуқаролар ҳолатини қайд этиш бўлими ахборотларига асосан ўз вақтида ўзгартирилади. Келин-куёвларни зарур моллар ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш масаласи ҳам доимий назоратимизда. Буларга қўшимча қилиб, Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бўйича туман халқ судига янги бино ажратилди, бу бино таъмирланиб, керакли равишда қайта қурилди. Муҳрдорлик идоралари ва юридик маслаҳатхоналар бинолар билан таъминланди. Туман фуқаролар ҳолатини қайд этиш бўлими биноси таъмирланиб, мебель ва ташкилий техника жиҳозлари билан таъминланган.

— Баъзи бир тоифадаги ходимлар учун уй-жойни хусусийлаштиришда имтиёзлар бериш ҳақидаги Президент Фармонлари бўйича нима ишлар қилинди?

— Уйларини хусусийлаштиришга берилган аризаларни инобатга олиб, қуйидагиларга: мактаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячиларига — 3458, тиббиёт ходимларига — 3857, ижодий ходимларга — 605, илмий ходимларга — 660, аҳолининг кам таъминланган табақаларига (ногиронлар, кўп болали оилалар ва ҳоказо) — 2873, байналмилал жангчиларга — 374 хонадон бепул хусусийлаштирилиб берилди.

— Тошкент шаҳрида йўловчилар транспортини бошқаришни такомиллаштириш хусусидаги тадбирларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Транспорт корхоналарига техник, молиявий ва ижтимоий ёрдамни мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Ҳокимлик тумандаги транспорт ташкилотларига ҳар томонлама доимий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Тумандаги бир нечта саноат корхоналари зарурий қисмларни тайёрлаш бўйича шартномалар тузишган. Масалан «Алгоритм» заводи ва 7-автобус парки уловчи мослама диски тайёрлашга келишиб олишди. Кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати 5-сон автопаркка 400 минг сўмлик зарурий қисмлар етказиб берди, «Реле ва автоматика»» заводи 2-троллейбус депоси учун 600 дона учқун ўчирувчи ва сақлагичлар тайёрлаб берди.

— Эшитишимизча, туманда «Наврўз юлдузлари» кўрик-танлови ўтказилган экан.

— Республика Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига жавобан туманда ана шундай кўрик ўтказилди. Кўрикка тумандаги корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилишди. Улар ажратган маблағлар ҳисобига шаҳар ва туман фан олимпиадаларининг 59 ғолиби ва 56 ўқитувчи стипендиялар, пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Иқтидорли ёшларни аниқлаш бўйича бундай тадбирларни ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтказиш мўлжалланмоқда.

— Шу кунларда яна нима ишлар қилинмоқда?

— Ҳозирги вақтда туман ҳокимлиги иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва болалик оилаларга ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш бўйича ишлар якунланган. Барча бюджет ташкилотлари янги табақалаштириш бўйича ойлик ва купонлар билан тўла таъминланган. Иқтисодиёт Давлат университетида, тумандаги ҳамма техникум ва ўқув юртларида янги миқдордаги стипендиялар ва купонлар тўланди. Тумандаги хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг оширилиши ва купонлар билан таъминланиши устидан назорат ўрнатилган.

Суҳбатдош Зоир ТУРСУНОВ.



Кейинги пайтларда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари янги, самарали техника билан таъминлади. Сиз суратда кўриб турган йиғув цехи ҳам шулар жумласига киради. Айни пайтда ишчилар янги дастгоҳларда самарали ва сифатли меҳнат қилишга эришмоқдалар.

А. Кондрашкин сурати.



** Бу ҳақда Вазирлар маҳкамасидаги йиғилишда айтилган эди*

«БУРСЕЛ»— «ШУҲРАТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ВАЗИРЛАР маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар тузиш, жаҳон бозорига чиқишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Шаҳримиз аҳолиси тез орада эркакларнинг ички трикотаж кийимлари ва кўйлакларнинг янгича турини харид қила оладилар. Йўқ, бу либослар олис-олислардан келтирилмайди, балки аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг доимий маҳсулотларига айланади. Дарвоқе, бу чиройли ва бежирим кийимларни Туркиянинг таниқли «Бурсел» ҳамда «Узмаишийхизматуюшма» таъсисчилигида ташкил топган «Шуҳрат» қўшма корхонаси кўплаб ишлаб чиқаради. Корхона директори Муҳаммадтемур Хонхўжаев билан суҳбатимизда кўпгина янгиликлардан воқиф бўлдик.

— Бундай қўшма корхона республикада ягона ва ўзига хос бўлиб, — асосан ички бозорни халқ истеъмоли моллари билан таъминлайди, — дейди М. Хонхўжаев.

— Туркиянинг энг машҳур «Бурсел» фирмасини танлашимиздан мақсад, бу фирма юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллик тажрибага эга, ишлаб чиқарган маҳсулотлари Ғарб бозорида катта шуҳрат қозонган. «Ўзмаишийхизматуюшма» «Бурсел» фирмаси билан бартер битими тузиб, шу битимга мувофиқ Туркия фирмасига ажратилган пахта толаси ўрнига у ердан юксак унумли хорижий ускуналар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва материаллар етказиб берилади.

Туркия мутахассислари атиги бир неча ой ичидагина бу ишлаб чиқариш майдонларида хориждан келтирилган ускуналарни ўрнатиб, монтаж қилдилар. Саҳни 450 квадрат метрни ташкил қилган цехда газламаларни бичиш ва навларга ажратиш столлари, лента кесадиган пичоқлар, газлама тўшайдиган машиналар ўрнатилган. Бу стол ва ускуналар Испанияда ишлаб чиқарилган. Ҳозирда 22 нафар мутахассис бу цехда иш билан банд. Японияда ишлаб чиқарилган 120 та «Бродер» машинаси ҳам ишга туширилмоқда.

— Бу ускуна жуда оддий бўлиб, бўлғуси усталарни унда ишлашга ўргатиш қийин эмас, — дейди «Бурсел» вакили Айхан Гунейш. — Компьютер дастурлар меҳнат унумдорлигини МДҲ мамлакатларидагига нисбатан уч марта ошириши, буюмларни юксак сифатли қилиб тикиши, тайёрланадиган маҳсулотлар нусхаларини хилма-хил қилиши, уларни рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда эркакларнинг трикотаж ички кийимларини тикиш учун бир сменада ишлайдиган кадрлар қабул қилиниб, касб ўргатилмоқда. Бу ерда кунига 3 минг, йилига эса 840 минг комплект маҳсулот тайёрланади. Қўшма корхона лойиҳадаги қувватни тўла ўзлаштирганидан кейин икки сменада ишлашга ўтилади, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни икки марта ошириш, банд бўлмаганларни ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Айниқса шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда биринчи марта фабриканинг тикув цехида электрон дастурли мосламаси бўлган 150 та машина ўрнатилган бўлиб, уларни Япония — Италия — Испания — Туркия биргаликда ишлаб чиқарган. Ҳар бир машина муайян иш турига — чокларга, узмалар, ёқалар ва ўмизларга ишлов бериш, тугмаларни қадаш, чўнтакларни ишлаш ва ҳоказоларга мослаштирилган.

— Биз ўзбекистонлик дўстларимизга ёрдам бераётганимиздан мамнунмиз, — дейди «Бурсел» фирмасининг вакили жаноб Талъатбей. Бу фабрика маҳсулотлари ҳам «Шуҳрат» қўшма корхонасига катта шуҳрат келтиради, деган умиддаман.

А. МИНГУЛОВ,
И. КОГАН.

СУРАТЛАРДА: эртанги миллий мутахассис ишчи ва хизматчилар учун ажойиб ва замонавий иш жойлари ташкил этилмоқда.

Г. Айзенштат суратлари.

** Қиш тайёргарликни ёқтиради*

ХОНАДОНЛАР ИССИҚ БЎЛАДИМИ?

ШАҲАР хўжалигини қишга тайёрлаш шу ишга таалуқли барча ташкилот ва корхоналар учун ўзига хос имтиҳондир. Бу айниқса Тошкент иссиқлик ишлаб чиқариш маркази ишчи ва хизматчилари меҳнатига боғлиқдир. Чунки шаҳримизнинг икки миллиондан ортиқ аҳолисини куз ва қиш ойларида иссиқлик билан ана шу корхона таъминлайди.

Бугунги кунга келиб бирлашма ҳаммаси бўлиб 10 та катта иссиқлик марказларини ўз ичига олади. Қозонхоналар шаҳримизнинг турли ҳудудларида жойлашган. Хуллас, биз яшаётган уйларнинг қиш фаслида исиши ёки исимаслиги кўп жиҳатдан бирлашма ишчи ва хизматчилари меҳнати билан ўлчанади. Хўш, шундай экан, бу иссиқлик тарқатувчи корхона қишга қандай тайёргарлик кўрмоқда? Пойтахтда истиқомат қилаётган аҳоли бу мавсумда бемалол иссиқ хонадонларда ўтиришадими? Биз шу ва бошқа саволлар билан ишлаб чиқариш маркази бош муҳандиси Алексей Владимирович Худякка мурожаат қилдик.

— Алексей Владимирович, суҳбатимиз бошида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳақида бироз тўхталсангиз. Ундан кейин бу йил қишга тайёргарликни қачон бошлаганингиз ҳақида сўзласангиз.

— Бирлашма айни пайтда энг қиммат ва мураккаб ускуналар билан таъминланган. Ҳозир уларга ўз ишини пухта эгаллаган мингга яқин кишилар хизмат қилишмоқда. Пойтахтда жойлашган қозонхоналар учун ҳар йили тахминан 95 миллион куб метр сув, 1,3 миллиард куб метр газ керак. Фақат сувни айлантириш учун 280 миллион киловатт-соат электр қувватини сарфлайди.

Энди сизнинг — бу йил қишга тайёргарликни қачон бошлаганимиз ҳақидаги саволингизга келсак, корхона бу ишга апрель ойининг бошлариданоқ киришиб кетган. Чунки ўтган ва ундан бурунги йиллар тайёргарликни сал кечроқ бошлаб, баъзи бир камчиликларга йўл қўйган эдик. Натижада иссиқлик билан таъминлашда шаҳарликларнинг бир қанча ҳақли эътирозларини эшитишга тўғри келди. Шунинг учун бу йил иссиқлик марказларини кузги-қишки мавсумга тайёр ҳолга келтириш мақсадида корхона хизматчилари қилинадиган барча ишларни режалаштириб олишди.

Ҳозирги кунга келиб режа бўйича 10 та қозонхоналардан 5 тасини тўлиқ таъмирдан чиқардик. Қолган қозонхоналарда ҳам таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай, деб қолди. Корхонага қарашли яна 40 дан ортиқ қозонхоналарда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб корхона бўйича таъмирлаш режаларининг ярмидан кўпроғи бажарилди.

— Шаҳримиз ҳудуди йилдан-йилга ҳам энига, ҳам бўйига ўсмоқда. Бундан келиб чиқадики, ҳар йили иссиқликка бўлган эҳтиёж ҳам ошмоқда. Шундай экан, сизлар корхона қувватини ошириш борасида қандай ишларни кўзлаяпсизлар?

— Пойтахтимизнинг Сергели ва бошқа туманларида кўплаб янги турар жой бинолари бунёд этиляпти. Турган гапки, шу янги хонадонлар қишда иссиқликсиз тура олмайди. Шу муносабат билан айниқса Сергели, Юнусобод туманларида бир неча йиллардан бери иссиқлик етишмаслиги туфайли шу ердаги аҳолини иссиқлик билан таъминлаш қийинлашиб кетган эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ўтган йили 4 ва 8-иссиқлик марказларида қўшимча иккита қозонхонани ишга туширдик.

Бу йил ҳам бу борада анча ишларни амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, шу йил Сергели туманида яна соатига 100 гикакалорий қувватга эга бўлган битта қозонни ишга туширмоқчимиз. Айни пайтда қозонхонага керак бўлган барча жиҳозлар тайёр. Қозонхонани ўрнатиш ишлари кетмоқда. Буни биз янги иситиш мавсумигача, яъни октябрь ойи охиригача фойдаланишга топшириш ниятидамиз.

Бундан ташқари Қорақамишдаги 4-иссиқлик марказида ҳам бу борада 9 миллион сўмлик иш бажаришимиз керак. Ҳозиргача шундан 6,5 миллион сўмдан кўпроғи ўзлаштирилди. Келажакда ҳар бири соатига 100 гикакалорий соат қувватга эга бўлган яна иккита қозонхонани ишга туширишни мўлжаллаяпмиз.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, 8-иссиқлик марказида, яъни Сергелида 2000 йилгача ҳар бири соатига 180 гикакалорий қувватга эга бўлган 4 та қозонхона қурилиши керак. Агарда бу режалар амалга ошса бу иссиқлик марказининг қуввати соатига 1020 гикакалорийга етади.

Электр насос ускуналарини таъмирлаш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб борилмоқда. Баъзи бир қийинчиликларга қарамасдан бу ускуналарни сифатли таъмирдан чиқаришга муваффақ бўлинмоқда. Таъмирдан чиқарилиши лозим бўлган 40 та насосдан 25 таси ниҳоясига етказилди.

Шунингдек, қозонхоналар атрофини йиғиштириш, асфальт ётқизиш, ускуна ва дастгоҳларни бўяш ҳамда бошқа ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бунда шаҳар туманлари ҳокимлиги мутасадди раҳбарларининг ҳиссалари катта бўляпти. Улар туманларда жойлашган иссиқлик марказларини ўз оталиқларига олишган. Умуман олганда шу йил 1 октябргача ҳамма таъмирлаш ишлари тугатилиб, синов иситиш ўтказилади.

— Қишга тайёргарлик даврида қандай муаммоларга дуч келинди ва булар нималардан иборат?

— Ўзингизга маълумки, бизга керак бўлган хом ашёларнинг асосини Ҳамдўстлик мамлакатларидан оляпмиз. Арматура, қувур, ёқилғи ва бошқалар шулар жумласидандир. Илгарилари шу хом ашёларни топиш жуда қийин эди. Ҳозирда эса бунинг акси. Пулинг бўлса, материал ҳақида муаммо бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин ана шу пулни у ёки бу корхонага ўтказиш жуда мураккаблашиб бормоқда. Агар бирор жойга пул юборсангиз бир-икки ой қаерлардадир айланиб юрадида, корхона ҳисобига қайтиб келиб тушаверади.

Бироқ, шу муаммоларга қарамасдан бу борада анча ишлар қилинди. Мисол учун ёнилғи сифатида ишлатиладиган нефть қолдиғини биз Россиядан оламиз. Қишни кўнгилдагидек ўтказишимиз учун шундай ёнилғидан бу йил 84 минг тонна керак. Ҳозиргача иссиқлик марказларимизда ҳаммаси бўлиб 81 минг 613 тонна мазут мавжуд. Яна озгина ҳаракат қилсак, қолган ёнилғини ҳам олишга эришамиз.

— Хонадонларни иссиқлик билан таъминлаш учун бир йилда қанча гикакалорий сарфланади? Бунга корхонанинг қуввати етарлимиз?

— Бунга бир томонлама қараб бўлмайди. Иссиқликнинг сарф бўлиши қишнинг қандай келишига боғлиқ. Масалан, ўтган йили қиш анча илиқ келганлиги туфайли 9 миллион 514 минг гикакалорий-соат сарфланди. Умуман ҳар йили ўртача 10 миллион гикакалорий-соат сарфлашни мўлжаллаймиз.

Ундан кейин бу ҳамшаҳарларимизнинг иссиқликни тежаб-тергаб фойдаланишига ҳам боғлиқ. Ўтган йили иссиқлик марказларининг кўпчилигида кўзда тутилгандан 2—3 баравар кўп сув сарф қилинди. Масалан, 10-иссиқлик марказининг бир кунлик сарфи ёз ойларида 1 минг куб метрга тенг. Амалда эса икки баравар кўп сарфланяпти. Бошқа иссиқлик марказларида ҳам аҳвол шу.

Бунинг сабаблари ҳар хил. Биринчидан хонадонларда яшаётган кишиларнинг баъзи бирлари ўзлари учун жуда зарур бўлган иссиқ сувни тежамайдилар. Бирор юмушни амалга ошираётганда уни хоҳлаганича очиб қўядилар. Чунки сувнинг ҳисоби йўқ. Чет элларда эса шу сувларни ҳисоблайдиган ускуналар ҳар бир хонадонда мавжуд. Ҳатто улар бирор жойга меҳмондорчиликка ёки бошқа жойга кетаётганда хонада иссиқлик тарқатувчи ускуналарни ўчириб қўйиш имкониятига ҳам эга.

Республикамиз мустақилликка эришганлиги туфайли бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Яқин орада сув ўлчагичлар пойтахтимизга ҳам қўлланилиб қолса керак.

Иккинчи сабаби эса сувни хонадонларга етказиб берадиган қувурларнинг кўпи сифатсиздир. Шунинг учун шаҳарда кўп уйларнинг ертўлалари қишин-ёзин иссиқ ёки совуқ сув билан тўлиб ётади. Ёки қишнинг қоқ ўртасида кўчаларда буғларнинг кўтарилиб ётганини ким кўрмаган дейсиз? Ана шу камчиликлар табиийки ўз навбатида қанча-қанчалаб қўшимча иссиқлик сарф бўлишига олиб келади. Шунинг учун иссиқликдан тежаб-тергаб фойдалансак, ҳозирги қувват билан яна бир шундай шаҳарни иситса бўлади.

Ғулом ЮСУПОВ.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

* *Эҳтиёт бўлган яхши*

ОҒИР КЕЧАДИГАН ДАРД

ЎЛКАМИЗДА авжи жазирама ёз палласи. Боғларда мева-чевалар ғарқ пишган, полизларда сабзавотлар етилган. Ёзнинг бу неъматлари эҳтиётсизлик билан тановул қилинганда ошқозон-ичак касаликларига дучор бўлиш мумкин.

Ҳаво ҳарорати кўтарилган кезларда ошқозон-ичак касалликларини тарқатувчи микробларнинг кўпайиши учун қулай шароит юзага келади.

Одатда бозорларда мева-чева харид қилаётганимизда унинг мазасини татиб кўрамиз. Ювилмаган, пашша қўнган, чанг-ғубор ўтирган бир дона мева билан қанчадан-қанча микроблар ичимизга тушаётганини баъзан ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Шундай иссиқ кунларда кўча-кўйларда, одамлар кўп тўпланадиган жойларда гигиена қоидаларига хилоф равишда айрон, қимиз ва бошқа хилдаги яхна ичимликлар сотилаётганини кўрамиз. Тайёрлаш технологияси қўпол равишда бузилган, кўчанинг чанги тушган, чала ювилган идишлардан бу ичимликларни ичишнинг ўзи касалланиш хавфини туғдиради.

Ошқозон-ичак касалликлари болаларда айниқса оғир кечади. Ювилмаган мева-чевалар, сабзавотларни истеъмол қилиш, ифлос қўл, синалмаган сув ҳавзаларида чўмилиш касалликни юзага келтирувчи манбалардир. Хасталик келиб чиқишининг бундай сабабларини уларга доимий равишда тушунтириб туриш зарур.

Ёз пишиқчилик, тўкин-сочинлик ва тўйлар мавсумидир. Одатда тўй дастурхонларига тортиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари аввалроқ тайёрлаб қўйилади. Лекин уларни салқин жойларда ёки музлатгичларда сақлашга ҳамманинг ҳам имконияти бўлавермайди. Таркиби ўзгариб, уриниб қолган бундай таомларни истеъмол қилган кишилар овқатдан заҳарланиш дардига мубтало бўладилар.

Айрим ҳолларда дўконлардан лимонад, ҳар хил мева шарбатларини сотиб олаётиб, уларнинг истеъмол қилиш муддатига эътибор бермаймиз. Иссиқ кунда ачиш ҳолатига келган бу ичимликлар кишига оғудек таъсир қилади ва қаттиқ заҳарлайди. Мана шундай оддийгина эҳтиётсизлик оқибатида инсон қанча саломатлигини йўқотади.

Хулоса қилиб айтганда касалликни даволашдан кўра олдини олган афзал. Ўткир ичак касалликлари кўпайгани туфайли шаҳар даволаш муассасаларида беморларни қабул қилиш учун қўшимча ўринлар ажратилган, дори-дармонлар заҳира қилинган. Кундалик турмушда хушёррроқ, оила аъзоларимиз ва атрофимиздагиларга эътиборли бўлишимиз фойдадан ҳоли эмас.

Мамлакат МУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар саломатлик марказининг бош шифокори.

* *Мутахассис тавсиялари*

ҚУЁШДАН САҚЛАНГАН МАЪҚУЛ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ иқлим шароити унинг минтақага яқинлиги билан аҳамиятлидир. Мана бу йил ҳам бутун июль ойида ҳаво ҳарорати 40—42 даража иссиқ атрофида бўлди. Яна шу нарсани эътиборга олишимиз керакки, бизнинг шаҳарларимизда ҳаво ҳарорати далалардагига нисбатан 1,5—2 даража юқорилиги билан ажралиб туради. Шаҳарларда темир-бетон уйларнинг зич жойлашиши оқибатида шамол ҳаракатини издан чиқиши, темир-бетон уйлар ва асфальтнинг ўта қизиб кетиши, бетонли ариқларда сувларнинг оқмаслиги, сувсизлик натижасида салқин берувчи дарахтларнинг қуриб қолиши кузатилади.

Қуёшнинг шифобахш нурлари, юқори ҳарорат табиат учун қанчалик фойдали бўлса, инсон саломатлиги учун ҳам шунчалик зарур. Чунки қуёш нури ва унинг ҳарорати таъсирида турли хил табиат ноз-неъматлари қиёмига етиб пишади. Нур таъсирида турли хил касаллик чақирувчи микроблар ҳалок бўлади. «Қуёш нури кирган хонадонга шифокор кирмайди» деб бежиз айтилмаган. Қуёш билан оқилона дўст бўлган ҳар кимса турли хил касалликлардан ҳоли бўлиши табиийдир.

Лекин бу — масаланинг бир томони. Ҳар бир соҳада бўлганидек, қуёш нуридан, юқори ҳарорат таъсиридан фойдаланилганда меъёрни унутмаслик керак, акс ҳолда фойданинг ўрнига катта зарар келиши мумкин. Қуёш нури спектрида олти хил ранг мавжуд бўлиб, саломатлик учун фойдалиси оддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган ультрабинафша нурлар ҳисобланади. Бу нурлар одам танасидаги «Д» дармондорисини фаол ҳолга ўтишида катта роль ўйнайди. «Д» дармондориси танада кальций ва фосфор тузларини ўзлашишларида катта аҳамиятга эгадир. Бу дармондори етишмаганида сут ва сут маҳсулотлари орқали танага тушган минерал тузлар ташқарига керагидан кўп чиқиб кетади. Натижада суякларнинг мустаҳкамлиги бузилади, улар синувчан ва эгилувчан бўлиб қолади. Бундай кўнгилсиз ўзгаришлар оёқларнинг қийшайиб қолишига олиб келади.

Ультрабинафша нурлардан фойдаланиш учун эрталабки қуёш нуридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим. Ҳозирги кунда кўпчилик болалар ва катта ёшдаги кишилар бутун кун давомида тананинг кўп қисмини очиб юришга ошиқадилар. Ваҳоланки, қуёш нури остида енгил кийиниб юриш ёшу қарига зарарлигина бўлмай жуда хавфли ҳамдир. Бундай дейишимизнинг сабаби атроф-муҳитнинг турли зарарли моддалар билан ифлосланиши, ис гази ва фреон газининг кўпайиши, ультрабинафша нурларни ўтказмайдиган озон қатламининг камайишига сабаб бўлмоқда. Демак, қуёш нуридан жуда эҳтиёткорона фойдаланишни унутмаслик лозим.

Ҳароратнинг юқори бўлиши инсон танасининг исиб кетишига олиб келади. У ўзини ноқулай ҳис қилади, масалан, боши оғрийди, тана бўшашади, терлай бошлайди, ташналик қийнайди, ишлаш фаолияти кескин пасайиб кетади. Бундай ҳолни шифокорлар кўпинча «иссиқ урган» деб баҳолайдилар. Бундай ҳолларга қайт қилиш, хушдан кетиш қўшилиши мумкин. Бунда юрак фаолияти ҳам издан чиқиши кузатилади.

Юқоридаги кўнгилсиз ҳолатлардан сақланиш учун тўғри кийиниш, ўз вақтида овқатланиш, оқилона дам олиш, ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Устки кийим оқ матодан тикилган бўлиб, енгил, кенг бўлиши шарт. Ёз фаслида сунъий толадан тикилган кийим-бош кийиш тавсия этилмайди. Бош, юз ва кўзни тикка тушадиган қуёш нуридан сақлашга ҳам катта эътибор беришни унутмаслик лозим. Ёз фаслида бош яланг юриш ёшу қари учун хавфлидир. Қуёшдан сақловчи кўзойнак тақиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Ёз фаслида барчани ташналик қийнайди. Чунки иссиқ шароитда тер орқали танадан жуда кўп суюқлик ажралади. Уларнинг ўрни тўлдириб турилмаса, модда алмашиниш жараёни издан чиқади, қон таркиби қуюқлашади. Ташналикни қондириш мақсадида кун давомида 2,5—3 литр суюқлик ичилса кифоя қилади. Шунингдек турли мева шарбатлари, кўк чой истеъмол қилиш тавсия этилади. Ариқ суви ёки бозорлардаги яхна чой, айрон, қимизларни ичиш ўта хавфлидир. Ёзда турли хил суюқ овқатларни, яхшилаб ювилган кўкат, сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Серқатиқ мошхўрда, хўрда, янги узилган, яхши пишган помидор, бодринг, булғор қалампиридан қилинган таомлар айни муддаодир.

Ёз иссиғидан сақланишнинг яна бир йўли чўмилиш саналади. Бу мақсадда санитария назоратидаги сув ҳавзаларидан фойдаланиш лозим.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
Республика Саломатлик марказининг шифокори.

ЧИЛОНЗОР туманидаги 22-болалар поликлиникаси 28 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда малакали мутахассислар болалар саломатлигини сақлашда самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Аммо туманнинг баъзи мавзелари мазкур поликлиникага узоқлик қилиб, бир мунча муаммоларни келтириб чиқарарди. Яқинда ана шу муаммо бартараф этилди. «Олмазор» мавзесида поликлиниканинг янги шохобчаси ишга тушди.

ЯНГИ ШОХОБЧА

— Шу кунларда оналар ва болалар саломатлигини сақлашга бутун диққат-эътиборимизни қаратганмиз — дейди поликлиника бош шифокори Саодат Абдураимова.

«Олмазор» мавзеси аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида бу ерда поликлиникамизнинг шохобчасини очиш масаласини шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қўйдик. Бошқарма ёрдами билан мазкур тиббиёт шохобчасини очдик. У уч ярим мингдан ортиқ аҳолига хизмат қиладиган бўлиб, энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Болалар саломатлигини сақлаш учун барча қулайликлар яратилди.

Ҳозирги пайтда бу ерда кундузги шифохона ҳам ташкил қилинган. Унда беморларни малакали шифокор ва ҳамширалар даволайдилар. Кундузги шифохонадаги дам олиш шийпонида шахмат-шашка, диафильмлар ва болалар учун турли хил ўйинчоқлар мавжуд. Бу ерда беморлар даволаниш билан бирга дам олиб, ҳордиқ чиқарадилар.

Собит МУСАЕВ.

СУРАТДА: поликлиника ходими Феруза Исмоилова бемор боладан текшириш учун қон олмоқда.

Муаллиф сурати.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ЯҚИНДА хасталаниб қолиб, йўлланма билан 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти шифохонасига қарашли қулоқ, томоқ ва бурун хасталиклари бўлимига бордим. Мени тажрибали шифокор Сафо ака Рашидов қабул қилиб, тезда касаллик сабабларини аниқлашга киришди. Тиббиёт фанлари номзоди Хайитбой Матқулиев ҳам синчиклаб текшириб кўргач, шу ерда даволанишим зарурлигини айтди.

Шундан сўнг бир неча кун давомида қўли енгил шифокор ва ҳамширалар соғлиғимни тиклаш учун қўлларидан келган барча ёрдамларини аяшмади.

Мазкур бўлимдаги тиббиёт ходимларининг беморларга яхши муомалада бўлишаётгани, касалхонада тозаликка алоҳида эътибор қилинаётгани ҳамда бўлим бошлиғи Норйигит Жабборовнинг ҳар куни эрталаб хоналарни айланиб, беморлар билан ҳол-аҳвол сўрашаётганидан кўпчилик қатори мен ҳам мамнун бўлдим.

Собиржон БОБОМЕТОВ,
Тошкент туманидаги Ваҳоб Каримов номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

* *Тиббиёт муассасаларида*

«САНДОЗ»НИНГ ШИФОБАХШ ДОРИЛАРИ

⊙ Гўзал бўлишни ким истамайди дейсиз. Айниқса юз, қўл, оёқ ва бошқа аъзолар терисининг оппоқ, ҳар хил доғлардан ҳоли бўлиши ҳар қандай инсонга завқ бахш этади. Республикамизда ягона бўлган тери ва таносил касалликлари илмий тадқиқот институти ходимлари сўнгги пайтларда бир қанча муваффақиятларга эришдилар. Суҳбатдошимиз институтнинг тери касалликлари бўлими мудири, Швейцариянинг «Сандоз» фирмасининг Ўзбекистондаги вакили, тиббиёт фанлари номзоди Сандқосим Орифов бўлди.

— Сандқосим Сандазимович, дерматологик, яъни тери касалликларининг ўзига хос томони шундаки, унда бемор авваламбор руҳий тушкунликка кўпроқ берилади.

— Албатта шундай. Тери хасталиги кишининг ташқи кўринишидан маълум бўлиши сабабли бемор ўзини ён-атрофдаги одамлардан олиб қочади. Соғлом одамлар ҳам у билан мулоқотда бўлишдан ўзларини тортишади. Табиийки, бундай аҳволда ҳар қандай бемор руҳан эзилади. Аммо у хасталикнинг бир неча кун аввал яширин ҳолда бошланганини, бунга ўзининг бепарволиги сабаб бўлганини ҳам унутмаслиги лозим.

— Республикамизда тери хасталикларининг қайси турлари кўпроқ учрайди ва бунинг сабаби нимада?

— Республикамизда асосан экзема, қўтир, псориаз, яъни тангачали темиратки, пес ҳамда замбуруғли тери касалликлари билан оғриш кўпроқ деса бўлади. Бунинг асосий сабабларидан бири юртимиз иқлимининг иссиқлигидир. Айниқса ҳозирги ёз пайтларида киши кўп терлайди. Бунда теридаги микробларнинг ривожланишига шароит яратилади. Бундан ташқари иссиқ кунларда ҳаво ўтказмайдиган тор пойабзал ёки сунъий матолардан ишланган кийимлар кийиш ана шу шароитни тезлаштиради. Шунинг учун ёз кунлари одатдагига нисбатан тез ювиниб туриш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб қилинади. Шуни унутмаслик керакки, замбуруғли тери касаллиги ўта юқувчандир. Беморнинг пойабзали ёки пайпоғини кийган соғлом одам тезда касаллик орттириб олиши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, ўзингизга маълум, деярли барча хонадонларда уй ҳайвонларини учратиш мумкин. Уларнинг ўз вақтида ветеринария муассасаларига олиб борилмаслиги оқибатида уй ҳайвонларида турли юқумли тери хасталиклари ривожланади ва бу касалликлардан уларнинг эгалари ҳам бенасиб қолишмайди. Касалланган кучук ва мушукларга тегиниш, уларни силаш оқибатида кишиларда микроспория дарди бошланади. Моллардан эса трихофития хасталиги юқади.

— Тери хасталиклари бошқа касалликларнинг кейинчалик асорат беришидан ҳам пайдо бўлиши мумкинми?

—Албатта. Масалан, псориаз хасталиги ангина, тез-тез шамоллаб туриш, тонзиллит касалликлари билан оғриш оқибатида келиб чиқиши мумкин. Худди шунингдек псориаз билан оғриётган бир беморимиз қачонлардир ошқозон-ичак хасталиги билан азият чеккани маълум бўлди.

— Витилиго, яъни пес касаллиги насл суради дейишади.

— Ҳа, пес насл суради. Лекин уни тўла ирсий касаллик дейиш нотўғри бўларди. Баъзан аждодлари буткул соғлом бўлган одам терисида ҳам оқ доғлар пайдо бўлиши мумкин. Бунда ташқи муҳит, жумладан қаттиқ ҳаяжонланиш, асабнинг кучли зўриқиши ёхуд айрим ҳолларда ошқозон-ичак хасталикларининг асорати ҳам асосий омил бўлади. Институтимизнинг илмий йўналишлардан бири пес касаллигини олдини олишга қаратилган. Келажакда бу борада косметология соҳасидан ҳам фойдаланиш ниятимиз бор.

— Беморларни даволашдаги муваффақиятларни қандай изоҳлайсиз.

— Муваффақиятларимиз асосини Соғлиқни сақлаш вазирлигимизнинг Швейцариянинг «Сандоз» доришунослик фирмаси билан алоқадорлиги ташкил этмоқда. Жаҳондаги доришунослик муассасалари ичида кучли олтиликдан ўрин олган бу фирманинг лабораториялари бугунги кунда 56 дан ортиқ мамлакатда жойлашган. Фирма яратган дорилар бугунги кунда тиббиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Айниқса тери хасталикларини даволашда ишлатиладиган дори-дармонларнинг самарадорлиги ниҳоятда катта. Масалан, «Ламизил» дорисини олайлик. Замбуруғлик тери хасталикларини даволашда унга етадиган дори дунёда йўқ. Худди шу хасталикни даволашда ишлатиладиган собиқ Иттифоқнинг гризеофульвин дориси самараси кам бўлиши билан бирга уни бир неча ой ва ҳаттоки, йиллаб ичишга тўғри келади. Бир қанча вақт ўтиб, хасталик яна қайталаб қолиши хавфи ҳам кўп. «Ламизил»ни эса бемор икки ҳафта давомида таблетка тарзида қабул қилиши кифоя. Яна бир дори «Сандиммун»дир. Бугунги кунда фирманинг 40 фоиз даромади ана шу дори ҳисобига тўғри келмоқда. «Сандиммун» асосан одам аъзоларини кўчириб ўтказишда яхши самаралар бермоқда. Тери хасталикларида эса псориазга қарши кучли курашувчандир. Уни қабул қилиш жуда ҳам қулай, бунда ҳеч қандай тайёргарликнинг ёки бирон-бир тиббий буюм, айтайлик томизгичнинг кераги йўқ, таъми ҳам яхши. Умуман олганда дерматология соҳасида фирманинг «Парлодел», «Сандиммун», «Тавегил», «Задитен» ва бошқа дорилари юқори самарали бўлгани учун улар республикамизда кенг қўлланилмоқда. Улардан ташқари тери касалликларини даволашда ПУВА терапия ҳамда лазер аппаратларидан ҳам тўла фойдаланиб яхши натижаларга эришилмоқда. Айтмоқчи бўлган асосий фикрим шуки, бугунги кунда республикамизда хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар очиш кенг йўлга қўйилмоқда. Худди шу йўлда дунёга машҳур дорилар ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилса халқимиз фаровонлиги ва саломатлиги йўлида қилинган хайрли иш бўлур эди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

⊙ Уй дорихонасида нималар бўлиши керак? Шу ҳақда билмоқчи эдик.

С. Камолов, Ҳамза тумани.

ХОНАДОНДА сақланадиган қутиларда қуйидаги дори-дармонларнинг бўлиши тавсия этилади:

Валериана настойкаси. Марказий асаб системаси ва юрак ҳаприқишини тинчлантиради.

Аспирин. Бош оғриётганда, шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларда, шунингдек яллиғланиш, асаб, бод ҳамда беланги хуружида оғриқ қолдирувчи омил сифатида фойдаланилади.

Анальгин. Пирамал. Амидопирин. Оғриқ қолдирувчи, иситма туширувчи, эт увишишидан халос этувчи воситалардир.

Борат кислота. Оғиз яллиғланганда, милклар, тил, танглай караш тортганда 3 фоизли сувли эритмаси билан оғиз бўшлиғи ғарғара қилиниши ёки чайилиши мумкин.

Марганцовка. Одатда унинг нимпушти сувли эритмасидан тери, оғиз бўшлиғининг яллиғланиши, милкнинг чақаланишида чайиш учун фойдаланилади.

Йод. Спиртли эритмаси билан асосан кесилган, тилинган ёки шилинган тери қисмини зарарсизлантириш мақсадида суртилади.

Уй дорихонасида, булардан ташқари, ҳантал, қоғозлари, қон тортувчи кувачалар, иссиқлик ўлчагич, ғилофли стерил ҳамда оддий бинтлар, озода қилиб ўралган пахта, новшадил спирти, қон тўхтатувчи тасма бўлиши шарт.

* * *

⊙ Ёзнинг иссиқ кунларида чалоб саломатлик учун жуда фойдали дейишади. Илтимос, мана шу ичимликнинг қандай тайёрланиши ҳақида маълумот берсангизлар.

К. ХАЛИЛОВ, меҳнат кексаси.

ЧАЛОБ қатиқ ёки сузмадан тайёрланадиган суюқ ичимликдир. Тайёрлаш усули: қатиқ қайнатилади ва унга туз, мурч ёки қизил қалампир солиб, қайнатиб, совутилган сув қўшиб аталанади. Сўнгра унга майда қилиб тўғралган бодринг, редиска, кўк пиёз, кашнич, укроп, райҳон ва бошқалар солиб аралаштирилади. Тайёр чалоб истеъмолдан олдин совитилади ёки муз солиб қўйилади. Бу ичимлик чанқоқни яхши босиши билан бирга саломатлик учун жуда фойдалидир.

* * *

МИНГ БИР САВОЛ

⊙ Саккиз ёшдаги фарзандим сариқ касали билан хасталаниб, эндиликда соғайиб кетди. Аммо унинг бурни негадир қизариб қолди. Бунинг сабаби нимада эканлигини билолмаяпмиз. Нима қилайлик, маслаҳат беринг.

С. ДЎСМУҲАМЕДОВА, уй бекаси.

УЗОҚ давом этган касаллик ёки юқумли хасталикдан кейин озиб, организми заифлашиб қолган болаларда, кўпроқ ўғил болаларда шундай бўлади. Бундай болаларни даволаш ва яхши овқатлар, хусусан С дармондориси, В тоифасидаги дармондориларга бой таомлар бериб, организмни мустаҳкамлаш керак. Умумий даволаш билан бир қаторда, бурунни атир, спирт билан артиш ва бот-бот упа қўйиш зарур. Буруннинг қизариши ҳеч қандай дори-дармон қилинмаса ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетиши мумкин.

* * *

⊙ Мен ўрта мактабни тугатгач албатта ҳамшира бўлмоқчиман. Шу боис ҳозирдан турли хил муолажаларни ўрганиб бораяпман. Агар имкони бўлса газетада танага қандай қилиб банка қўйилиши ҳақида мутахассис маслаҳатини ёритсангизлар.

Т. АБДУЛЛАЕВА, Ўрта Чирчиқ туманидаги Тўйтепа шаҳри.

ОДАТДА банкалар (5-10 та) тана-мускул ҳамда ёғ қатламлари қалин ва туртиб чиққан суякларни текис қилиб турадиган юзаларга (умров остига, орқага, бел соҳасига) қўйилади. Банкалар баданга яхши ёпишиб туриши учун қўйишдан олдин улар қуригунча артилади. Банка ичига ҳаво киритмаслик ва тери куйишининг олдини олиш мақсадида у қўйиладиган жойга юпқа қилиб вазелин суртилади. Шундан сўнг таёкча ёки пинцетга пахта ўраб, спирт ёки атирга ботириб олиб ёндирилади ва банкалар ичига тутилади (1-2 секунд). Ёниб турган таёқчани тез тиқиб олиш билан бирга ҳавоси сийраклаштириладиган банкалар дарҳол баданга босилади. Маромида қиздирилган банка қўйилганда тери унинг ичига 1—3 сантиметр бўртиб чиқади ва тиниқ пушти ёки тўқ қизил рангга киради.

Банкалар қўйиб бўлингач, беморнинг устига кўрпа ёпиб қўйилади ва 10-15 минут ўтгач олинади. Бунда бир қўл билан банка ён томонга энгаштирилади, иккинчи қўлни банканинг оғзига тиқиб, тери аста босилади. Кейин баданни сочиқ билан артиб, беморни ўраб-чирмалади.

Мутахассисларнинг маслаҳатлари асосида Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

КОРХОНА ЁРДАМИДА

«МИКОНД» заводи тасарруфидаги мўъжазгина шифохона бир неча йилдан бери корхонанинг ишчи-меҳнатчиларига тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифохонадан шу кунга қадар заводнинг кўпгина ишчилари ўз дардларига даво топдилар.

— Шифохонамизда даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, — дейди шифохона бош шифокори Шаҳзода Алимова биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда 8 та малакали шифокор, 22 та ҳамшира беморлар хизматида.

Яқинда бу ерда 10 ўринли кундузги даволаниш бўлими ташкил этилди. Айни пайтда беморлар тиш, оғиз, бурун, қулоқ ҳамда асаб касалликлари шифокорларидан муолажа олмоқдалар. Бу ерда шифо топаётганлар, олий тоифали шифокорлар Галина Тўраева, Нодира Ёқубова, Лариса Туганова, ҳамшираларлардан Маҳбуба Мансурова, Валентина Лаврова, Дилфуза Комиловаларнинг хизматларидан ғоятда мамнун бўлмоқдалар.

— Заводимиз маъмурияти керакли дори-дармонларни ўз вақтида етказиб беришда биз шифокорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Бу эса бемор ишчиларимизнинг тез соғайиб, ўз иш жойларини эгаллашларига замин яратмоқда, — дея суҳбатга якун ясади бош шифокор.

Солиҳ ЗОИР.

СУРАТДА: касалхона бош шифокори Шаҳзода Алимова беморнинг қон босимини аниқламоқда.

Муаллиф сурати.

ШУ ЙИЛНИНГ февраль-март ойларида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда Америка Қўшма Штатларининг АКСЕЛС ташкилоти ҳамкорликда мактаб ўқувчилари ўртасида инглиз тили бўйича тест синовларини ўтказган эди. Тест саволлари ва манбалар америкалик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилди. Жавоблар ҳам мамлакатнинг мустақил таълим комиссиясига жўнатилди. Бу баҳсда иштирок этган ўқувчилардан 48 нафари ғолиб чиқиб, Америка Қўшма Штатларининг билим масканларида ўқиш имкониятини қўлга киритдилар.

Республика халқ таълими вазирлиги бу ўқувчиларни Америка Қўшма Штатларига жўнатиш тадбирларини ишлаб чиқди.

* *Ўзбекистон ва жаҳон*

УЛАР АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

— АҚШга юборилаётган ўқувчиларимиз учун у ерда барча шарт-шароитларни АКСЕЛС ташкилоти ташкил қилди, — дейди биз билан суҳбатда республика халқ таълими вазирлиги, умумий ўрта таълим бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Ҳайдарали Ҳакимжонов. — Ўқувчиларимиз у ерда Америка оилаларида яшаб, маҳаллий мактабларда таҳсил оладилар. Уларга ҳар ойда белгиланган миқдорда стипендия ва моддий ёрдам берилади. Республикамиз ҳаётида биринчи марта мактаб ўқувчилари хорижга ўқишга жўнатиляпти. Бу жуда катта имкониятдир. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ижодкор ёшларимизни қўллаб-қувватлаши ва катта эътиборни қаратаётгани биргина шу воқеанинг ўзидан яққол кўриниб турибди.

Америкага кетаётган ўқувчиларнинг деярли ярмини ҳамшаҳарларимиз ташкил қилади. Жамила Абдукаримова, Ойдин Абдуллаева, Мурод Мирсаидов, Феруза Олимова сингари ўқувчилар ана шулар жумласидандир. Ўқувчиларни Америка Қўшма Штатларига жўнатиш олдидан республика халқ таълими вазирлигида учрашув бўлиб, болалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказилди. Унда ўқувчиларга ҳамроҳ сифатида «Сени Ватан кутади» деган эслатма ҳамда Ўзбекистонимизнинг Давлат мадҳияси топширилди.

Биз сафар олдидан уларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик.

⊙ Жамила Абдукаримова: Бизнинг Америкада ўқишимиз учун имконият яратиб берган Президентимизга раҳмат. Биз уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон, жонажон Тошкентни соғинсам керак. Шунинг учун китоблар, кассеталар, фотосуратларни ўзим билан бирга оляпман.

⊙ Мансур Юнусов: Ниятим, ўқиб, тил ўрганиб, мамлакатимиз учун фойда келтирадиган одам бўлиб етишиш. Унинг келажагига хизмат қилишдир. Америкада бошида бизга сал оғирроқ бўлишини ҳис қиляпман. Лекин муҳими, ишонч, интилиш бўлса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

⊙ Феруза Олимова: Биз Америкада Ўзбекистонимизнинг шаъни учун, унинг истиқболи учун ўқиймиз. Бизга ишонч билдириб жўнатаётган Ватанимиз, шаҳримиз, ота-онамиз ишончларини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Ўқувчиларнинг бир қисми Тошкентдан Москвага йўл олдилар. Биз ҳам уларга оқ йўл тилаб ўқиб, билим олиб республикамизнинг муқаддас тупроғига қайтиб келишларига умид қиламиз.

Назира СОДИҚОВА.

Шарқ яккакураши сирлари

ТАЪЗИМДАН ТАЪЗИМГАЧА

МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИ ЯПОН ЙИГИТИ НИГОҲИДА

Бизнинг маълумот:

Хасимото Мицио, 28 ёшда, Япониянинг Готембо шаҳрида таваллуд топган. Отаси — хусусий дўкон хўжайини. Акаси ва онаси унга кўмакдош. Хокоё оролида жойлашган Сопрово дорилфунунининг хорижий тиллар факультетида сабоқ олган. Сўнгра ўз ихтиёри билан ҳарбий хизматда (Японияда армия хизмати мажбурий эмас) бўлган, икки йил заводда ишлаган. 3-синфдан бошлаб (танаффуслар билан) машҳур каратэ устаси Танака Масахиконинг шогирди қўлида каратэнинг сётокан услуби бўйича шуғулланган. Қора белбоғ соҳиби.

⊙

— Хасимото, эътибор берган бўлсангиз, Ўзбекистонда шарқона якка курашлар, жумладан каратэга нисбатан қизиқиш катта...

— Ҳа, очиғи бизнинг миллий спорт туримиз ўзбек ёшларини бунчалар ўзига жалб этиб олган, деб ҳеч ўйламагандим. Бунинг устига, сизларда каратэ мактаблари ҳам кўп экан.

— Уларнинг бирортасига бориб машғулотлар ўтказиш жараёни билан танишдингизми?

— Афсуски, бундай имконият бўлмади.

— Сиз каратэнинг сётокан услуби билан шуғулланган экансиз. Айтингчи, умуман олганда каратэнинг қайси мактаби йўналиши фойдали, бошқача айтганда, кучлироқ?

— (кулиб) Ҳайронман, ҳамма шу саволни беради-я. Аслида, сётокан, вадорю, годзю-рю услублари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Фақат Ояма яратган кёкусинкай услуби тамоман ўзга олам. Лекин менга барибир сётокан кўпроқ ёқади.

⊙

МАЪЛУМОТ. СЁТОКАН асосчиси Гитин Фунакоси (1869—1957) дир. Бу услубга катта ва паст жанговар ҳолат (стойка)лар, серҳаракатчанлик, кучни бир зарбага тўплаш, яқин масофадан жанг олиб бориш унсурлари хосдир.

ГОДЗЮ—РЮ (таржимада «куч ва юмшоқлик» маъносини англатади). 30-йиллар бошларида Тёдзюн Мяги (1888—1953) томонидан яратилган. Мазкур жанг услуби рўпарадан йўналтирилган кучли зарбалар, фаол ҳимоя, жойини нафис ҳаракатлар билан тез-тез алмаштириб туриш билан бошқаларидан фарқланади.

ВАДО—РЮ («Тинчлик йўли») услуби Окинава ва Хитой якка курашлари таъсиридан ҳоли, соф японча беллашувлар заминида яратилган санъатдир. Асосчиси Хиронори Оцуко.

КЁКУСИНКАЙ — жанговар контакт услуби бўлиб, мусобақаларда рақиб танасига бемалол зарба беришга рухсат этилади. Унда асосий эътибор жанг, шунингдек томасивари (жисмларни тананинг бош, қўл, оёқ қисмлари билан уриб синдириш)га катта эътибор берилади.

⊙

— Гарчи Япония каратэнинг ватани ҳисоблансада, нима сабабдан кейинги пайтларда «улоқ»ни европаликларга бериб қўяяпсизлар? Жаҳон миқёсида ўтказилаётган мусобақалар ғолиблари рўйхатида япон фамилиялари тобора кам учрайдиган бўлиб қолди?

— Гапингизда жон бор. Бир қаралганда бизда ҳамма шароит бор — машҳур, тажрибали сенсей — устозлар, қўлланмалар, обрўли каратэ мактаблари... Лекин япон ёшларида каратэга нисбатан қизиқиш анча сусайган, улар татами (шарқона олишувлар ўтказиладиган майдон)да тўқнашишдан кўра, уйингоҳда тўп суришни афзал кўриб қоляптилар.

Ҳозирги кунда юртимда спортнинг баскетбол, бейсбол, футбол, волейбол турлари жуда оммалашган.

— Хитойда, айниқса, Пекин шаҳрида у-шу анъаналарини тиклаш, тадқиқ этиш, оммавийлаштириш ниятида асос солинган махсус илмий академия фаолият кўрсатиб келмоқда, Японияда-чи??

— Бизда ундай академиялар йўқ. Шуниси қизиқарлики, АҚШда бир эмас, бир неча илм-фан масканлари шарқона беллашувларни илмий жиҳатдан ўрганиш билан шуғулланиб келмоқда.

— Адабиётлар, махсус қўлланмалар чиқариш масаласи қандай йўлга қўйилган?

— Бу жиҳатдан японияликлар нолимасалар ҳам бўлади. Бизда турли-туман журналлар, китоблар исталганча топилади. Уларнинг аксариятини машҳур каратэ усталарининг ўзлари ёзганлар...

Хасимото ўзи билан Япониядан келтирган каратэга оид бир неча китобларини кўрсатди. Матни мен учун тушунарсиз бўлсада, китобларнинг нашр сифати, ичидаги ранг-баранг суратларини кўриб, китоб чайқовчилари (қарангки, шундай ҳунар ҳам бор) қўлидан бир неча баробар қимматига сотиб олиб, шахсий кутубхонамда кўз қорачиғидай авайлаб сақлаётган шарқона якка кураш ҳақидаги китобларимни эслаб уларга сарф қилинган ишчи кучи-ю маблағларга ачиниб кетдим.

— Хасимото, газетамиз муштарийларининг хатларида япон айғоқчилари — нинзалар ҳақида маълумот беришимиз сўралган илтимосларни кўп учратамиз. АҚШ фильмларидаги нинзалар ҳаёт ҳақиқатига қанчалар мос келади?

— Ўрта асрларда Япония ҳудудида чинданда нинза — кўринмас одам лақабли айғоқчилар фаолият кўрсатгани тарихий ҳақиқат. Уларнинг тупроқ остида соатлаб нафас олмай ўтира олгани, бир неча метр баландликдаги деворлар устидан арқчадан хатлагандай ўтиб кетаверганлари бўлган воқеалар. Нинзаларнинг ҳайратомуз мўъжизалари одам боласининг ички имкониятларини ривожлантириб юксак даражада сайқал беришдан ўзга нарса эмас... Фильмлар масаласига келсак, уларда нинзалар ҳақидаги маълумотлар анча бўрттириб юборилган. Бизда унақанги фильмларни, очиғи, кўришмайди.

— Сўзларингиздан шу нарса маълум бўляптики, каратэ ўз ватанида таназзулга юз тутаётган эканда. «Хитой у-шуси» воқеаси «япон каратэси» билан ҳам такрорланмасмикан?

— Йўқ каратэ ҳеч қачон ўлмайди. Ахир, санъат барҳаётку.

Суҳбатимиз сўнггида Хасимото Мицио илтимосимга кўра каталар (расмий машқлар)дан, зарба бериш усулларидан намуналар кўрсатди, ён дафтаримга япон иероглиф (ҳарф)лари билан «Каратэ таъзимдан бошланиб, таъзим билан якунланади», деган сўзларни битиб берди. Сўнгра у ўзбекчасига қўлини кўксига қўйиб, мен японча таъзим қилиб хайрлашдик.

Суҳбатдош Шуҳрат АРМОН.

Ажойиботлар қомуси

ГОҲИДА ЎКТАМ, БАЪЗАН ДАҲШАТЛИ

БИЗ ҳикоя қилмоқчи бўлган йиртқич ҳайвоннинг номи йўлбарсдир. Афсуски, Ўзбекистонда йўлбарслар йўқолиб кетгани учун ҳам биз уларнинг ҳаётлари ва турмушлари билан қизиқмаганмиз, уни обдон ўрганмаганмиз. Фақат кинолардагина, китоблардагина унинг йиртқичларига йўлиққанмиз холос.

Келинг, энди бироз Ўзбекистондаги йўлбарслар билан боғлиқ бўлган баъзи бир ёзиб қолдирилган маълумотлар билан танишайлик.

Бундан роппа-роса 120 йиллар муқаддам бир овчи Сирдарё бўйидаги қамишзордан ўтиб кетаётганда тўсатдан ҳикоямиз қаҳрамони — йўлбарсга рўпара келади. Овчи билан йўлбарс ораси бор-йўғи беш қадам эди. Ҳуши бошидан учган овчи орқа-олдига қарамай қоча бошлайди. Йиртқич ҳайвон бир сакрашдаёқ овчини таппа босиб, қимирлатмай қўйиб, бемалол тамадди қилиб олса бўларди. Аммо йўлбарс турган жойидан лоақал жилмаган ҳам. Аммо овчи эса шу тум-тарақай қочганича уйига етиб олиб, саргузаштларидан бир китоб ёзиб улгурган бўлса бордир.

Иккинчи воқеа бундан 60 йиллар муқаддам Тожикистоннинг қуйи Панж дарёсининг этак қисмида юз берган. Йўлбарс бир отлиққа ҳужум қилиб, овчини улоқтириб ташлайдида, отни эса ўлжа сифатида чангалзорга судраб кетади. Қизиғи шундаки, одам билан лоақал иши ҳам бўлмаган, балки унга кўз қирини ҳам ташламагандир. Яна шундай бир ҳолат Тожикистоннинг жануб томонида юз беради. Кунларнинг бирида бир деҳқон йўқолиб қолган бузоғини қидириб қамишзорга туташган пахтазор ёқалаб бораркан, писиб ётган қандайдир ола терили ҳайвонни кўради. Уни бузоғи деб гумон қилиб, тўғри олдига боради ва қўлидаги таёқ билан «бузоқ»ни тургизмоқчи бўлади. Тинчлиги бузилган «бузоқ» шундай ғазаб билан ўкирадики, бечора деҳқон дағ-дағ титраб, нима қиларини ҳам билмай қолади. Йўлбарс эринчоқлик билан ўрнидан туриб, оромини бузган одамнинг бошига панжаси билан бир туртади. Йўлбарс ҳалиги кишининг бошини «силаганида» унинг бир қават терисини шилиб олган экан. Шундан кейин йўлбарс оғир-оғир қадам ташлаб, қамишзор оралаб нари кетади. Бузоқ йўқотган деҳқон эса ер тишлаганча қолади. Ҳушига келгач, шундай баҳайбат йиртқичга ем бўлмай, соғ қолганига ўзининг ҳам ишонгиси келмайди.

Яна бир воқеа ўтган асрнинг 70-йилларида, Сирдарёнинг қуйи оқимида содир бўлган эди. Бир отлиқ овчи йўлбарс изига тушади. Йўлбарс шарпасини сезган ит ўша томонга қараб ҳура бошлайди. Овчи вақтни қўлдан бой бермаслик учун от устида туриб, йўлбарсга ўқ узади. Бироқ отилган ўқ нишонга тегмайди. Йўлбарс ўқ отилган томонга ташланади. Бир човут солишдаёқ овчини отдан ирғитиб йиқитади ва кучли панжалари билан уни эзғилай бошлайди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас йўлбарс овчи елкасидан бир панжасини олиб, кўкрагига қўяди, ерда ётган кишини яна бир марта эзғилайди-да, аста-секин ўз йўлига равона бўлади. Йиртқич ҳайвоннинг ўктамлигини қарангки, у овчини ҳам, унинг отини ҳам нобуд қилмаган.

Бундай воқеалар шунақа кўпки, буларнинг ҳаммасида одамларнинг ўзи биринчи бўлиб йўлбарсга ҳужум қилишган. Тўғри, йўлбарсларнинг кўп ҳолларда одам кетидан кузатиб юриши ҳар қандай кишини таҳликага солади, ваҳима босади. Ҳақиқатан ҳам йўлбарс одам орқасидан кузатиб юради. Лекин улар ҳужум қилиш учун эмас, балки ҳужумга йўлиқмаслик учун шундай қилишади.

Тожикистонда турон йўлбарсининг феъл-атворини ўрганган биология фанлари доктори С. Строганов шундай ҳикоя қолдирган: «Бу йиртқич тўқайда бизнинг ортимиздан кузатиб юрганини кўп марталаб сезар эдик, бироқ улар бизга ҳеч вақт ҳужум қилишмасди». Профессор А. Банниковнинг фикрича, йўлбарсларнинг ҳам ўз ов қилиш чегаралари бўлиб, улар ана шу ўрамларига кириб қолган одамларни то шу жойдан чиқиб кетгунларича кузатиб юришаркан.

Шундай қилиб, ҳеч қачон биринчи бўлиб одамга ҳужум қилмас экан. Агар кимда-ким йўлбарснинг жаҳлини чиқарса, ўзидан кўради-да. Лекин бу айтилганларнинг барчаси оддий, соғлом йўлбарсга тааллуқли. Чунки оддий йўлбарс билан одамхўр йўлбарс ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Одамхўри ювошига қарама-қарши ўлароқ биринчи бўлиб одамга ҳужум қилади. Йўлбарснинг мана буниси даҳшатли ва қўрқинчлидир. Хўш, қандай қилиб ювош йўлбарс одамхўр бўлиб қолган?

Йўлбарс одатда жайра гўштини ёқтиради. Лекин бу жониворни тутиб еиш анча азоб, у осонликча таслим бўлмайди. Йўлбарс жайрани қорнидан тишлаб тилка-пора қилмоқчи бўлганида, унинг юз-кўзи, панжасига жайра тикани кириб, санчилиб қолади. Натижада панжалари патос бойлаб, қаттиқ азоб беради ва шу тариқа йўлбарс майиб бўлади. Бир йўлбарс жайра билан олишаётганда кўзидан ажралади ва ўнг панжасига 50 тача тикан киради. Шундан кейин у одамхўр бўлиб қолади. Йўлбарснинг одамхўр бўлиб кетишига баъзан тажрибасиз ёки қўрқоқ овчилар ҳам сабабчидирлар. Бундай овчилар ҳайвонни ярадор ва майиб қилиб қўядилар-у, кейин таъқиб қилишмайди (чунки бу жуда ҳам хавотирли-да?) ва биратўла ўлдиришмайди. Тузалгандан сўнг бундай ярадор йўлбарс ўз-ўзидан одамхўрга айланиб қолаверади. Йўлбарсларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак, деган савол туғилади. Шуни айтиш керакки, одатдаги йўлбарслар кўпчилик ўйлаганидек ёвуз, маккор, қонхўр ва жоҳил эмас. У жаҳолатлилигига нисбатан оқ кўнгиллиги билан фарқ қилувчи кучли ва гўзал ҳайвондир. Борди-ю, жаҳли чиқарилса, нафсониятига тегилса оқ кўнгиллилигидан умидвор бўлиш қийин. Йўлбарс гарчи йиртқич ҳайвонлардан ҳисоблансада, унинг фойдали томонлари ҳам кам эмас. Йўлбарс касал ва қари ҳайвонлар билан қорнини тўйғазиб юради. Бордию инсон томонидан бу жараён тўхтатилса, табиий танланиш издан чиқади. Шунинг учун йиртқич ҳайвонларнинг табиатда бўлиши лозим.

Лекин, улар сонини кишилар вақти-вақти билан озайтириб ёки кўпайтириб туришлари ҳам керак. Шунга кўра арслон, қоплон, силовсин, йўлбарсларни маълум миқдорда, махсус қўриқхоналарда сақлаш ва кўпайтириш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Чингиз КАМОЛОВ.

Ҳар тўғрида

Пермдаги болалар техник ижодиёти клубларидан бирида ишлайдиган Алексей Сафонов Германияда бўлган чоғида «Форд — клуб»нинг асрий тўйига бағишланган тантаналарда қатнашган ва ўзи ёғочдан ясаган 10 сантиметрли «Форд — А» автомобили моделини намойиш этганди. Унинг ижодига қизиқиб қолган германияликлар биринчи «Форд» машинаси чиқарилганлигининг 100 йиллигига бағишлаб яна иккита — «Форд — Букель Таунас» ва «Форд — Таунас» моделларини ясашга ҳам буюртма бердилар.

СУРАТДА: А. Сафонов «Форд — клуб» буюртмасини бажармоқда.

⊙ ● ⊙

Сиз кўриб турган лавҳа асло цирк майдонида эмас, балки Цюрихдаги минерал сувлар ишлаб чиқарувчи корхона эгаси томонидан уюштирилган «спортбоп» мусобақалар пайтида суратга олинган. Шуниси қизиқки, иштирокчилар унда шиша идишлар солинадиган қутилардан минора ясаб устидан мувозанатни сақлаб туриш бўйича баҳс олиб борганлар. Швейцария биринчи чемпионати олдидан саралаш вазифасини ўтаган мазкур мусобақаларда англиялик Филип Брус 25 қути устида собит туриб жаҳон рекордини ўрнатди.

РАТА—ТАСС суратлари.

Бу—қизиқ

ОТЛАР ТУФЛИ КИЯДИМИ?

«ОТЛАРНИНГ анъанавий оёғига қоқиладиган тақалар ўрнини тез орада пластмассадан ясалган шиппаклар эгаллайди. Отлар бундан буён темирчилик корхоналарига бормайдиган бўладилар, — деб тасдиқлади Швейцариядаги от заводининг йирик хўжайини Пьер Феликс. — Маълумки, отларнинг ҳар ўнтасидан биттаси тез-тез тақалари алмаштирилаверишидан азият чекмоқда.

Худди шу сабабли ҳам Пьер Феликс юқорида айтилгандек, тақалар ўрнига «шиппак» ишлаб чиқаришга рухсат олди. Энди унинг устахонасида дастлаб синтетик материаллардан от туёғининг қолипи олинади-да атрофига темир ҳалқа ўрнатилган пластмасса «туфлилар» ясалади.

«ОҚ» ҚАҲВА

БЕЛЬГИЯ мамлакатидаги дўконларда одатдан ташқари оқ малларанг тусдаги қаҳва сотувга чиқарила бошланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу янги хил қаҳва таркибида қора қаҳвадаги зарарли хусусиятлар йўқ. Бу маҳсулот тўла пишиб етилмаган ҳосилни камроқ қовуриш йўли билан олинади. Рекламаларда айтилишича, «оқ» қаҳва спортчилар ва ошқозон-ичак касалига йўлиққан кишилар учун айниқса фойдалидир. Одатдаги қаҳвада қанча кофеин бўлса, «оқ» қаҳва таркибида ҳам шунча кофеин мавжуддир. Бироқ янги хил қаҳвадаги кофеин инсон организмида тез ва енгил ҳазм бўлади.

АЗИМ ТЕРАК

РУМИНИЯНИНГ ғарбидаги Арададан Линовга олиб борувчи йўлнинг икки ёни кета-кетгунча теракзор. Лекин бу ердаги ниҳоятда улкан терак ҳар бир йўловчининг ёдида қолиши аниқ. Уни Руминиядаги энг азим терак, деб айтиш мумкин. Чунки бу теракнинг бўйи 60 метр, танасининг айланаси эса 16 метр, 10 та барваста йигит бир бўлиб, қучоқласалар ҳам унинг бутун танасини қамрашга қўллари калталик қилиб қолади.

АСАЛАРИ ИСИБ КЕТСА

АСАЛАРИ ҳатто энг иссиқ пайтда ҳам тиним билмайди. Тоқати тоқ бўлгандагина йиғган нектари ёки бир томчи сувни танидан сиқиб чиқаради. Бу томчи асаларининг сўрувчи хартумчаси устида буғланиб, совутиш системаси хизматини ўтайди. Шунинг учун асаларига иссиқ писанд эмас.

Зоҳир ТОҲИРОВ тайёрлади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

КАЛИНИНГРАД савдо машинасозлиги заводида яратилган автомат-робот оддийгина қилиб «МС—3» деб юритилади. Аммо бу машина 1 тийиндан 1 сўмликкача танга ва чақаларни санаш, ажратиш ва тахлашда тенги йўқ чаққондир.

Автомат робот 2500 та ҳар хил танга ва чақаларни бир минут ичида ажратади, санайди ва 50 тадан, 100 тадан қилиб тахлаб чиқади. Бу ихчам ва қулай машина савдо ташкилотлари, омонат кассалар, банклар ва метрополитенларда қўл келади.

* * *

ГЕРМАНИЯНИНГ Росток шаҳридаги балиқ комбинатларидан бирида ошхона ошпази Рудольф Кроботнинг шахсий кутубхонасида икки минг нусхадан ортиқ китоб бор. Бу нашрларнинг деярли ҳаммаси ошпазлик санъати ҳақидадир.

Р. Кробот ширин ва мазали овқатлар тайёрлашда кўпинча ўзидан бир неча асрлар аввал яшаган ҳамкасбларининг маҳорат «сир»ларидан фойдаланади. Бунда унга мазкур адабиётлар катта ёрдам беради.

Саодат ОДИЛОВА тайёрлаган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

"ЎЗБЕКТУРИЗМ" МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ
"Саёҳат" ташқи иқтисодий ишлаб-чиқариш саёҳат-хўжалик мажмуаси

Ҳиндистон, Малайзия, Хитой, Таиланд, Туркия, Эрон, Покистон, Сурия, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, Англия, Олмония давлатлари;
Самарқанд, Бухоро, Хива, Москва, Олма ота, Бишкек, Панфилов, Туркистон шаҳарлари ва Иссиқ-кўл га саёҳат қилишга таклиф этади.

Сиз ва оилангиз, дўстларингиз ҳамда ҳамкасбаларингиз учун "Саёҳат" ТИИЧСХМ сайёҳлик ёки ишбилармонлик мақсадида жаҳоннинг исталган мамлакатига якка тартибдаги саёҳатлар уюштиради.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича 68-68-07 номерли телефон орқали ёки қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 115, "Саёҳат" ТИИЧСХМ.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг Ижтимоий таъминот бошқармаси

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1993-94 ўқув йилига ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— радиотелевизор аппаратураларини таъмирловчи механик,
— бюджет ва саноат ҳисоб-китоби бўйича бухгалтер,
— енгил кўйлаклар ва шим тикувчи,
— якка буюртмалар бўйича пойабзал тикувчи пойабзалчи,
— тўқувчи,
— котиба-машинистка,

ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 ОЙ.

16 ёшдан 45 ёшгача бўлган ногиронлар, 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган ногиронларнинг болалари ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг аъзолари қабул қилинадилар.

Қабул тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 3x4 см. ўлчамли фотосурат, туман ижтимоий таъминот бўлимининг йўлланмаси, соғлиғи тўғрисида 086/У намунадаги маълумотнома, ногиронлар учун ВТЭК маълумотномаси (меҳнат тавсияси билан).

ҲУЖЖАТЛАР — 30 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.
Ўзлаштирувчи ўқувчиларга стипендия тўланади.
Ўқиш муддати меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.
Ётоқхона берилмайди.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 107 «а» уй. Пеньков боши берк кўчаси («Ўзбекистон» ёки «Халқлар дўстлиги» метро бекатлари; 2, 7, 12, 14-троллейбуслар; 13, 51-автобусларнинг «Кино уйи» бекати).

Ҳурматли қизлар ва йигитлар!

Агар Сиз тикувчи, тўқувчи, ип йигирувчи касбларини эгалламоқчи бўлсангиз, хотин-қизлар модали кийимларини бичиш ва тикиш, кийимларни конструкциялаш, моделлаштириш ва машинада кашта тикиш сирларини эгалламоқчи бўлсангиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ!

Фақат биздаги пуллик курслар қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: конструктор — модельерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи усталар, машинада бадиий кашта тикиш ва замонавий трикотаж тикиш ускуналарида кўп йўналишда тўқувчилар.

Ўсмирлар учун қулай шароит бор — улар табиий чармга ишлов бериш ва буюмлар тикиш мутахассислигини ўрганишлари мумкин.

ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Ўқишга 9 ва 11-синфларни тугатган қизлар қабул қилинади.

9-синфни битирган қизлар 3 йил ўқийдилар. Улар давлат таъминотида бўладилар, ҳамда ҳар ойда 3 минг 200 сўм овқат пули оладилар.

11-синфни битирган қизларга ҳар ойда 1 минг 300 сўмдан ортиқ стипендия берилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш марказини битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разряди берилганлиги тўғрисидаги диплом ва ўрта маълумот оладилар.

Улар ширкатлар, ижара хўжалик ҳисобидаги ва қўшма корхоналарда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўқув-ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, турар жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3x4), танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086/У).

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мироқилов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67-автобуслар; 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар: 13, 15-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати). **Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30.**

«ТУРКИСТОН-1» КИЧИК КОРХОНАСИ қуйидаги касблардаги ишчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

— монтажчилар,
— пайвандчилар,
— дурадгорлар,
— ғишт терувчилар,
— бетончи—стропилчилар,
— электрчилар.

МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАИ-МУКОФОТЛИ, ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ — 30-60 МИНГ СЎМ ВА УНДАН ҲАМ КЎПРОҚ.

Ҳайдовчи (ўз машинаси билан ва машинасиз).
Манзилимиз: Юнусобод даҳаси, 3-мавзе, Муродов кўчаси, қурилиш майдони (67, 83, 167-автобусларнинг «5-болалар касалхонаси» бекати).
Телефон: 21-44-35.

«УЗАВТОРЕМОНТ» КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ

инженер-конструкторлар, автомобилларни таъмирлаш бўйича технологларни;
таъминлаш ва сотиш бўлими бошлиғини;
таъминот бўйича муҳандисни;
чилангар-сантехникни (меҳнат ҳақи — вақтбай).
асбоблар тайёрлаш, ностандарт жиҳозлар ва ускуналаш бўйича чилангарларни, ускуналарни таъмирлаш бўйича чилангарни (меҳнат ҳақи — ишбай).

ШОШИЛИНЧ ТАРЗДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун манзилгоҳ: 700105, Тошкент шаҳри, Бехтерев кўчаси, 103-уй (1, 5-трамвайларнинг «Бехтерев кўчаси» бекати).
Телефон — 91-36-08.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30
■ Босмага берилди 11.50.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6